

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАРБЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ЯКУБОВ КУВОНЧБЕК ТАЖИБАЕВИЧ

**Кўндаланг дамбалар орқасидаги гирдоб зонасида
оқизиқлар чўкишини башорат қилиш**

05.09.06 – Гидротехника ва мелиорация қурилиши

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in technical sciences**

Якубов Кувончбек Тажибаевич

Кўндаланг дамбалар орқасидаги гирдоб зонасида оқизиклар чўкишини
башорат қилиш.....3

Якубов Кувончбек Тажибаевич

Прогноз заиления водоворотных зон за поперечными дамбами.....23

Yakubov Kuvonchbek Tajibayevich

Forecasting sedimentation in vortex zones beyond transverse dams.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАРБЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ЯКУБОВ КУВОНЧБЕК ТАЖИБАЕВИЧ

**КЎНДАЛАНГ ДАМБАЛАР ОРҚАСИДАГИ ГИРДОБ ЗОНАСИДА
ОҚИЗИҚЛАР ЧЎКИШИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ**

05.09.06 – Гидротехника ва мелиорация қурилиши

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий атестация комиссиясида В2021.2.PhD/Т2335 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифада (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бакиев Машариф Рузметович
техника фанлари доктори, профессор,

Расмий оппонентлар:

Бозоров Дилшод Раимович
техника фанлари доктори, профессор

Мурадов Рустам Анварович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот

Тошкент архитектура-қурилиш
институти(ТАҚИ)

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли илмий кенгашнинг «27» август 2021 йил соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй, тел.:(+99871)-237-09-71; 237-22-09, факс: (99871)-237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№188 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий, 39, тел.:(+99871)-237-19-45).

Диссертация автореферати 2021 йил «14» август куни тарқатилди.
(2021 йил «14» август даги №188 рақамли реестр баённомаси).



Т.З. Султанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,
профессор

Ф.А. Гаппаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.д., доцент

О.Я. Гловацкий

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда оқизикларни шаклланиш, харакатланиш ва чўкиш жараёнларини тадқиқ қилиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. «XX аср юз йилликнинг иккинчи ярмида эрозия жараёнининг ошиши тренди кузатилди, бу ҳолат айниқса ер шарининг жанубий ярим шарлигида кучайди»¹. Бу ўз навбатида сув омборлари фойдали ҳажмини лойқага тўлишига, дарёларда ўзан жараёнларини тезланишига олиб келди. Шу жихатдан, ростлаш иншоотлари ёрдамида суюқ ва қаттиқ оқимларни бошқаришни такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада кўпгина ривожланган давлатларда, жумладан АҚШ, Англия, Франция, Россия ва бошқа давлатларда ростлаш иншоотлари конструкцияларини, ҳисобий асослаш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда транзит ва тескари оқимларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда сув омборлари фойдали ҳажмини, дарё ва каналлар ўзанларини ҳамда кўндаланг дамбалар ортидаги гирдоб зоналарни лойқага тўлишининг илмий асосланган ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, жумладан муаллақ оқизиклар билан тўйинган ва кўндаланг танасидан сув ўтказмас дамбалар билан оқимни бир томонлама сиқиш тартиботларини очиб бериш технологияларини ишлаб чиқиш, тезлик майдонини, лойқаликни чуқурлик ва планда таралишини ҳисоблаш усулларини, гирдоб зонасида муаллақ оқизиклар чўкишини башарот қилиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган дала тадқиқотларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Республикамизда дарё қирғоқларини ювилишдан ҳимоя қилиш, дарё қирғоқларига яқин жойлашган экин майдонларини сув босишидан асраш, мавжуд ер ресурслари, жумладан лойқа чўкиши натижасида поймани қайта шаклланишида кўндаланг дамбаларни ҳисоблаш усуллари ва технологияларини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан текисликдаги ростланган дарёларда дала тадқиқотлари усулларини такомиллаштириш, дала тадқиқотлари ва экспериментал тадқиқотлари натижаларини таққослаш, дарё қирғоқларини ҳимоялашда кўндаланг дамбалар билан сиқилган оқимда тезлик ва лойқалик таралишини аниқлаш усулларини такомиллаштиришни амалга ошириш талаб этилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш учун мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш,”² бўйича муҳим вазифалар белгилаб

¹ Гусаров А.В. Тенденции изменения эрозии и стока взвешенных наносов на Земле во второй половине XX столетия. disserCat.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, дала шароитда илмий тадқиқотлар услубларини такомиллаштириш, муаллақ оқизиклар билан тўйинган дарё ўзанларини ростлашда оқим параметрларини ҳисоблаш ва лойихалаш, дарё қирғоқларини ювилишдан асраш ва поймадаги ерлардан қайта шаклланишини башарот қилиш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни (1999), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон 2017-2021 йилларда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 6 мартдаги ПҚ-6200-сон Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Хукумат комиссиясининг 2020 йил 22 декабрдаги “Тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор кўчиш ва ер кўчки ходисалари хавфини камайтириш бўйича” 2-сон баёни №01 25/14-15 ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII. «Табиатдан самарали фойдаланиш ва экология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дарё ва каналларда, тиндиргичларда ва сув омборларида муаллақ ва туб оқизикларни шаклланиши, ҳаракати ва чўкишининг илмий-техник асосланган ҳисоблаш асосларига бағишланган кўп сонли маҳаллий ва чет эл олимлари Арифжанов А.М., Афанасьев Е.С., Бозоров Д.Р., Бондарева Е.В., Герасимов М.В., Гусаров А.В., Дегтярева Е.Е., Законнов В.В., Зима Ю.В., Ишанов Х.Х., Кондюрина Т.А., Коренев В.В., Крыленко М.В., Кузнецов С.Ю., Манилюк Т.А., Маркова И.М., Медведев С.С., И.И., Поздняков Ш.Р., Рахматов К.Р., Синеева Н.В., Хикматов Ф., Хужакулов Р., Гловацкий О.Я., Мухаммадиев М.М., Jennifer G. Duan, S.K. Nanda; X. Liu, B.J. Landry, M.H. García; Hau-Rong Chung, Te-Yung Hsieh, Jinn-Chuang Yang; Hau-Rong Chung, Te-Yung Hsieh, Jinn-Chuang Yang; Yaoxin Zhang, Yafei Jia, Rakhmatullaev Sh, Huneau F, Coustumer P, Motelica-HeiNo. M, Bakiev M., ва бошқа олимлар илмий ишларида ўрганилган ҳамда маълум даражадаги ижобий натижаларга эришилган.

Дарёлардаги кўндаланг тўсгичларни (дамбалар, шпоралар,) ишини тадқиқотлари Алтунин С.Т. ва Бузунов И.А., Данелия Н.Ф., Седых В.А., Смирнова Т.Г., Правдивец Ю.П., Смирнова Г.Н., Школьников С.Я., Милитеев А.Н., Ali Rasheipoor, Aliresa Masjedi, Rashid Shojaenjad., Hojat

Karami (Иран), Salamatin S.A., Forghani M., M.Karimace Tabarestani., Vaghefi Mohammad, Safarpour Yaser, Hashemi Seyed Shaker., Xuelin Tang, Xiang Ding, Zhicong Chen., Hossein Bassar, Hojat Karami, Shahaboddin Shamshirband, Afshin Jahangirzadeh, Shatirah Akib, Hadi Saboohi., Yi Shen, Panayiotis Diplas., Roger A.Kuhnle, Mary Yaeger, Jenifer G.Duan, (США), Михалев М.А., Мухамедов А.М., Ирмухамедов Х.А., Тузов В.Е., Мурадов Р.А., Бакиев М.Р. ва унинг шогирдлари томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Кўриб чиқилган тадқиқотлар асосан лаборатория шароитида ўтказилган ва улар натижаларига замонавий математика аппарати ва дастурий таъминот ёрдамида ишлов берилган. Олинган натижалар ёрдамида иншоот бошидаги маҳаллий ювилиш чуқурлигини, иншоот баландлигини, тизимда иншоотлар орасидаги масофани, тезлик майдони ҳисобини бажариш мумкин бўлади. Шу билан бирга дала тадқиқотларида қурилган иншоотлар ишлашини ўрганиш масалаларига кам эътибор қаратилган. Бу ҳолат дала тадқиқотларида тадқиқот ишларини бажариш қийинлиги ҳамда катта маблағ талаб қилиши билан изоҳланади. Шунга қарамадан фақат бу изланишлар экспериментал ва назарий тадқиқотларда олинган натижаларни тасдиқлаш учун асос бўла олади. Бугунги кунда кўндаланг дамбалар ортида лойқа чўкишини башорат қилиш усулини ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий тадқиқот ишлари режасининг 2.8-сон «Гидротехника иншоотлари конструкцияларини такомиллаштириш, ҳисоблаш, лойихалаштириш, хавфсизлигини таъминлаш асосларини ишлаб чиқиш» (2012-2015, 2016-2020), 4.1/2015, 4.2/2015-сон «Амударёнинг Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткул, Элликқалъа, Беруний туманлари ва Хоразм вилоятининг Хонқа, Боғот, Урганч туманлари худудларида ўнг ва чап қирғоқларини ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш» (2015), 16/2017-сон «Амударёнинг Туямўйин-Қипчоқ худудида ўзани икки томонлама ростлаш бош план-схемасини ишлаб чиқиш» (2017) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оқимнинг муаллақ оқизиклар билан тўйинганлик даражасини, оқимни кўндаланг дамба билан сиқилиш даражасини ва тескари оқим тезлигини инобатга олган ҳолда кўндаланг дамбалар ортидаги гирдоб зонасида лойқа чўкишини башорат қилиш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўндаланг дамба билан сиқилган оқимларни дала шароитида тадқиқот қилиш услубини такомиллаштириши;

оқимнинг моделда ва дала тадқиқотлари шароитида олинган пландаги ўлчамларини таққослаш тадқиқотларини ўтказиш;

дала тадқиқотлари шароитида интенсив турбулент аралашув зонаси ўлчамлари ҳамда тезлик ва лойқаликни ёйилиш қонуниятларини аниқлаш;

гирдоб зонасидаги тескари оқим тезлиги ва лойқалигини аниқлашнинг ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

кўндаланг дамба ортидаги гирдоб зонада лойқа чўкишини башорат қилиш усулини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Амударёдаги ўзан ростлаш ва ҳимоялаш иншоотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети муаллақ оқизикларга бой текисликдаги дарёлар, дала тадқиқотларида кўндаланг дамбаларни суяқ ва қаттиқ оқимни қайта шаклланишига таъсири ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида дала тадқиқотларида суяқ ва қаттиқ оқимни тадқиқоти услубларидан, экспериментал, назарий, график ва аналитик усуллардан олинган натижаларни дала тадқиқотлари билан таққослаш усуллари ҳамда турбулент оқимлар назариясининг асосий тамойилларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юқори ва пастки гирдоб зоналари узунликларини ҳамда гидравлик бир жинсли зоналар ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда дарёда қурилган кўндаланг дамба билан сиқилган оқимларни тадқиқот қилиш услуби такомиллаштирилган;

илк бор, турбулент аралашув зонасида тезлик ва лойқаликни ёйилишининг универсаллиги ҳамда Шлихтинг-Абрамович назарий ифодаларига мослиги дарёда қурилган кўндаланг дамбаларда ўтказилган экспериментлар натижалари бўйича асосланган;

сиқилиш створидаги ва кам таъсирланган ўзакдаги тезликларни, оқим чуқурликларини ҳамда гидравлик бир жинсли зоналар ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда кўндаланг дамба ортидаги гирдоб зонаси тескари оқим қисмидаги тезлик ва лойқаликни аниқлаш назарий ифодалари ишлаб чиқилган;

тескари оқим тезлигини, пастки гирдоб зонаси узунлигини, гидравлик катталиқни, лойқа чўкиш зонаси юзасини, сиқилиш створидан ўтаётган муаллақ оқизиклар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда муаллақ оқизикларни кўндаланг дамба ортидаги гирдоб зонада чўкишини башорат қилиш усули такомиллаштирилган;

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

дала шароитда тадқиқотлар ўтказиш услуби юқори ва пастки гирдоб зоналар, димланиш, сиқилиш, ёйилиш ва интенсив турбулент аралашув зоналари ўлчамларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

кўндаланг дамбалар билан сиқилган оқим тезлик майдони ва лойқаликни ҳисоблаш усули интенсив турбулент аралашув зонасида уларнинг ёйилишини универсаллигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

кўндаланг дамбалар ортидаги гирдоб зонада лойқа чўкишини башорат қилиш усули такомиллаштирилган ва у ёрдамида маълум вақт оралиғидаги чўкма қатлам қалинлигини ва транзит оқимдаги оқизикларнинг қанча қисми гирдоб зонада чўкишини аниқлаш мумкин бўлади ва улар ёрдамида янги

шаклланган қирғоқ олди ерларини марзалар ва банкетлар куриш орқали химоялаш мумкин бўлади;

ишлаб чиқилган тавсиялар ва компьютер дастури дамбалар ортидаги гирдоб зонага лойқа тўлишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала шароитда тадқиқотларини ўтказишнинг кўндаланг дамбалар билан сиқилган оқимнинг деформацияланишини инобатга олиб такомиллаштирилган услуби қўлланилганлиги, олинган натижаларни қайта ишлашда математик статистика усулларидан фойдаланилганлиги, экспериментал ва назарий ҳисоблашлардаги боғлиқликларни қиёсий солиштирилганида бир-бирига яқинлиги, ушбу тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг натижалари билан мосликлар ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дала тадқиқотлари натижасида интенсив турбулент аралашув зонасида тезлик ва лойқаликни ёйилишининг универсаллиги асосланганлиги, муаллақ оқизикларга бой ва кўндаланг дамбалар билан бир томонлама сиқилган ҳолат учун, дамба ортидаги гирдоб зонада лойқа чўкишини башорат қилиш усулини назарий асослари ишлаб чиқилганлиги, ростлаш иншоотлари ва оқим ўзаро таъсирини белгиловчи назарияларга кўшган ҳиссаси билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти дала тадқиқотлари услубини такомиллаштирилганлиги, компьютер дастуридан фойдаланиб лойқа ўтиришни инобатга олиб оқимнинг пландаги ўлчамларини қайта ҳисоблаш усулини ишлаб чиқилганлиги, эксплуатация даврида дамбалар ортидаги чўкиндилар қалинлиги ва ҳажмини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилганлиги ва у ёрдамида янги қирғоқ чизиғи ва дамбалар оралиғидаги масофани янгитдан белгилаш имкониятларини яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўндаланг дамбалар ортидаги гирдоб зонага лойқа чўкишини башорат қилиш усули ишлаб чиқилганлиги асосида:

дала тадқиқотларини ўтказиш услуби ҳамда оқимнинг пландаги ўлчамларини инобатга олган ҳолда тезлик ва лойқаликни ҳисоблаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги «Қирғоқларни химоялаш дамбалари ва ўзанларни тартибга солиш иншоотлари бошқармаси»да жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 июлдаги СТ46237203 -сон маълумотномаси). Натижада, вақт ва харажатлар камайди ҳамда дала тадқиқотлари аниқлиги ошган. Лойқа чўкишини инобатга олган ҳолда оқимнинг пландаги ўлчамларини ҳисоблаш усули ва компьютер дастури ишлаб чиқилган бу эса қирғоқ ҳудудларини сув босиш ҳавфсизлигини тامينлаган.

интенсив турбулент аралашув зонасида тезлик ва лойқаликни ёйилишининг универсаллиги, Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қуйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли “Қарамази-Қиличбай” ирригация тизимлари бошқармасида жорий этилган (Сув

хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 июлдаги СТ46237203 -сон маълумотномаси). Натижада, дала тадқиқот натижаларининг Шлихтинг-Абрамович назарий ифодаларига мослиги исботланди.

дамба ортидаги гирдоб зонада лойқа ўтиришни башорат қилиш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қуйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли “Қарамази-Қиличбай” ирригация тизимлари бошқармасида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 июлдаги СТ46237203-сон маълумотномаси). Натижада, эксплуатация даврида дамбалар ортидаги чўкиндиларнинг қалинлиги ва ҳажмини аниқлаш имкони яратилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий атестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган ва битта ЭҲМ дастури яратилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг Ўзбекистон ва жаҳонда долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Муаллақ оқизикларнинг шаклланиши, дарё оқимида ҳаракатланиши ва чўкишини ҳамда ростлаш иншоотларни ўрганишга оид ўтказилган тадқиқотлар шарҳи**». деб номланган биринчи боби муаммо бўйича ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, муаллақ оқизикларни шаклланиши, дарёлар ҳавзаларида ҳаракатланиши ва чўкишига бағишланган назарий, экспериментал ва дала тадқиқотлар кенг кўламда бажарилган.

Ростлаш иншоотлари конструкцияларини такомиллаштиришга, уларни ҳисобий асослаш ва лойihalашга бағишланган тадқиқотлар дунё бўйича ва юртимизда, шу жумладан институтимизда проф. Бакиев М.Р. раҳбарлигида кенг миқёсда тадқиқотлар бажарилган. Танасидан сув ўтказмайдиган, сув ўтказадиган ва комбинациялашган кўндаланг дамбалардаги физик


жараёнлари очиб берилган, уларни ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган. Поймалик ўзанларда бу иншоотларни лойихалашнинг ўзига хос томонлари очиб берилган. Кўндаланг иншоотлар оқимга таъсир қилиши бўйича актив иншоотлар турига киради ҳамда нафақат суяқ оқим балки қаттиқ оқим ёйилиши деформациясига олиб келади. Фойдаланилган адабиётлардан фақатгина иккита иш гирдоб зонасига лойқа ўтиришга бағишланган. Улардан биттаси кескин кенгайиш зонасига иккинчиси кўндаланг дамбалар ортида лойқа чўкишига бағишланган. Улардан биронтасида ҳам дала тадқиқотлари олиб борилмаган. Қурилган иншоотлар ишини ўрганиш ўта муҳим ҳисобланади ҳамда назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларини солиштириш учун хизмат қилади. Шу сабабли муаллиф гирдоб зонасида лойқа ўтиришни башоратлаш масаласини дала шароитда ўрганишни ва мавжуд бўшлиқни тўлдириш орқали кўндаланг дамбаларни лойихалаш ва қуриш усулларини бойитишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Диссертациянинг «**Муаммонинг қўйилиши ва тадқиқотнинг асосий вазифалари. Ўлчов асбоблари ва дала тадқиқотлар услуби**» деб номланган иккинчи боби, биринчи бобдаги таҳлил натижаларига асосланган ҳолда, муаммонинг қўйилиши ва тадқиқотнинг асосий вазифалари, ўлчов асбоблари ва дала тадқиқотлар услуби келтирилган.

Дала тадқиқотларни ўтказишда оқим тезлиги ва лойқаликга наъмуна олиш учун мослаштирилган, Республика Гидрометеорология марказининг Хоразм вилояти Туямуён кўл станциясига қарашли моторли қайиқдан фойдаланилди. Дала тадқиқотлар 2019 йили Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган №30 кўндаланг дамбада, 2020 йили чап қирғоқдаги №19 шпорада ўтказилди. Дала тадқиқотларда гирдоб зоналарнинг пландаги ўлчамлари, гидравлик бир жинсли зоналарнинг чегаралари ва тезликлар ўлчанди ҳамда оқим лойқаликига намуналар олинди.

Деформацияланган оқимнинг пландаги ўлчамлари пўкаклар, нивелир ва ўлчов ленталари ёрдамида аниқланди. Юқори гирдоб зонанинг узунлигини аниқлаш учун пўкаклар зонадан тепароқ жойдан ташланди ва унинг қирғоқдан ажралган жойи белгилаб олинди ва ўлчов лентаси ёрдамида зонанинг узунлиги ўлчанди. Пастки гирдоб зонасини узунлигини аниқлаш учун пўкаклар дамбанинг бош қисмидан ташланди. Гирдоб зонаси ва транзит оқим орасида доимий масса алмашуви мавжудлиги сабабли, пастки гирдоб зонасини тугаган жойида нобарқарорлик мавжуд. Шу сабабли унинг ўрни камида 10 та пўкакни ҳар бирини 10 минут давомида кузатувлар натижасида аниқланди.

Гирдоб зоналар узунлиги аниқлангач створлар белгиланди: П-П юқори гирдоб зона бошида, дамба билан сиқилиш створи О-О, планда сиқилиш створи С-С, пастки гирдоб зонасида Х-Х ва В-В створлар. Створлар вехалар билан белгилаб чиқилди ва шу жойлар бир вақтнинг ўзида Vegal 24 нивелирини ўрнатиш жойлари сифатида белгиланди (1-расм).



1-расм. Сув ўтказмайдиған дамба билан бир томондан сиқилган оқимнинг ҳисобий схемаси

Кам таъсирланган ўзак ва интенсив турбулент аралашув зонаси чегараси О-1 ни аниқлаш кетма-кетлиги қуйидагича, створ О-О дан пўкаклар ташланиб қолган створлардан ўтиши нивелир ёрдамида ҳамда катердан белгилаб турилди. Бунда ҳимояланаётган қирғоқ томон бурилган пўкаклар ҳисобдан чиқариб ташланди. Қолган зоналар чегаралари тезлик ва лойқаликни планда ёйилиши эпюралари қурилгач аниқланди.

Тезликлар тарировка қилинган вертушка ГР-21М ёрдамида ўлчанди ва лойқаликга намуналар батометр-бутилка ГР-16М ёрдамида амалга оширилди. Намуналар тезлик ўлчанган учта чуқурликларда амалга оширилди, кичик чуқурликларда иккита нуқтада $0,2h$ ва $0,8h$ ёки битта нуқтада $0,6h$ олинди. Олинган намуналар тозаланган бутилкаларга қуйилиб олинган жойи, вақти, створ, вертикал, чуқурлик ёзилган ҳолатда олиб келинди ва “Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари” кафедрасининг қурилиш материаллари лабораториясда умумқабул қилинган услубда лойқалик аниқланди.

Дала кузатувлар натижалари Бакиев М.Р. томонидан олинган эксперимент ва назарий тадқиқотлар натижалари билан солиштириб кўрилди. Уларни бажарилиш услублари муаллиф ишларида кенг ёритилган.

Диссертациянинг «Текисликдаги дарёларда кўндаланг дамбалар билан сиқилган лойқалик оқимларни дала тадқиқотлари натижалари» деб номланган учинчи бобида димлаш, сиқилиш ва ёйилиш зоналарининг пландаги ўлчамларини аниқлаш бўйича олдин ўтказилган экспериментал, назарий тадқиқотлар ва дала тадқиқотлар натижалари билан таққослаш, сиқилган оқимда тезлик ва лойқаликни чуқурлик ва планда ёйилишининг дала тадқиқотлари натижалари келтирилган.

Графиклар ва аналитик ифодалар ёрдамида сиқилиш даражаси $n_c = l_d \sin \alpha_d / B = 0,24$ ўрнатилиш бурчаги $\alpha_d = 90^\circ$ бўлган №30 дамба таъсиридаги

оқимни пландаги ўлчамлари ҳисоблаб топилган. Тўғридан тўғри дала ўлчамлар орқали интенсив турбулент аралашув зонасининг ички U_1 ва ташқи U_2 чегаралари, унинг кенглиги B , юқори гирдоб зонаси узунлиги $l_{\text{вв}}$, сиқилиш $l_{\text{сс}}$, ва ёйилиш $l_{\text{нв}}$ зоналари узунликлари (1-расм) аниқланган ва мавжуд график ва аналитик ифодалар орқали ҳисоблаш натижалари билан таққосланган. Планда сиқилиш коэффициентлари ϵ ва кам таъсирланган ўзак нисбий кенгликлари K_1 ҳисобланган (1-жадвал). Зоналар узунликларини ҳисоблашда уларни ювулувчи ўзанларда қисқариши инобатга олинган $K_2=0,4$.

1-жадвал

Сув ўтказмайдиган дамба билан сиқилган оқимнинг пландаги ўлчамларини ҳисоблаш ва дала тадқиқотлар натижалари билан таққослаш

Параметрлар	Ҳисоблаш	Дала	Фарқи%
ϵ	0,93	0,94	1,07
K_1	0,83	0,82	1,2
$U_1, м$	137,4	126,6	7,9
$U_2, м$	171,9	164,5	7,4
$b, м$	34,5	38	10,1
$l_{\text{вв}}, м$	67,6	60	11,9
$l_{\text{сс}}, м$	41,5	36	14,2
$l_{\text{нв}}, м$	184	140	26,8

1-жадвалдан кўришиб турибдики энг катта оғишлар интенсив турбулент аралашув зонаси b кенглигини ҳисоблашда юз берган. Буни шундай тушунтириш мумкин, ҳисобий ифодалар оқим ўқи ва ҳимояланаётган қирғоқ паралель ҳолати учун ўтказилган лаборатория тадқиқотлари натижасида олинган. Дамба №30 ўрнатилган жойда оқимни ҳимояланаётган қирғоқ томонга 20^0 га яқин оғиши мавжуд бўлиб, дамба оқимни қирғоқдан тўлиқ оғишини таъминлаб турибди. Шу билан бирга оқим оғиши борлиги ва ўзан ювилиши гирдоб зоналар узунликлари камайишига олиб келган. 2-расмдаги графикда ҳисоблаш натижаларини, эксперимент ва дала тадқиқот натижалари билан таққослаш келтирилган. 1-жадвалдан ва 2-расмдан кузатилаётган параметрлар орасидаги оғишлар 11,9% дан 26,8%. Шу билан бирга гирдоб зоналар ҳисобланган умумий узунлиги 293,1 м ни ўлчанган дала узунлик 236 м бўлиб, оғиш 24,2%.

Турбулент струялар назарияси бўйича интенсив аралашув зонаси кенглиги кўрилаётган ҳолат учун ёйилиш зонасида қуйидаги ифода бўйича қабул қилинган


$$v = (C_2 + C_3)x, \quad (1)$$

бу ерда: $C_2 = 0,11; C_3 = 0,16$.


Дала тадқиқотлар натижалари бўйича $y=f(x)$ графиклари қурилган (3-расм).

Гафиклардан $C_2=0,186$, $C_3=0,545$, $K=C_2+C_3=0,186+0,545=0,731$.

Графиклардан кўришиб турибдики турбулент аралашув зонасининг ички чегараси дала шароитда турбулент струялар назариясига қараганда 1,69 марта катта, ташки чегара дала ювиладиган ўзанларда, ювилмайдиган ўзанларга нисбатан кескин фарқ қилади, бу эса оқимни интенсив ёйилишини билдиради.



2-расм. Ҳисоблаш натижаларини эксперимент ва дала тадқиқотлар натижалари билан таққослаш (гидравлик қаршилик коэффиценти $\lambda=0,005... 0,007$)



3-расм. Интенсив турбулент аралашув зонаси чегараларини ўзгариш графиклари

Кўндаланг дамбалар билан сиқилган оқимнинг пландаги ўлчамларини аниқлаш учун таклиф қилинган графиклар, аналитик ва назарий тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш мумкинлиги ўтказилган дала тадқиқотлар натижалари бўйича биринчи марта тасдиқланди.

Маълумки, ростлаш иншоотлари таъсири остида нафақат сууюқ оқимни балки қаттиқ оқимни ҳам қайтадан шаклланиши юз беради. Масала, биринчи марта Амударёда қурилган №30 (4-расм) ва №19 (5-расм) дамбаларда ўтказилган дала тадқиқотлар материалларидан фойдаланиб кўриб чиқилган.



4-расм. №30 дамба тадқиқотлари бажарилган участкада створ ва вертикалларнинг жойланиш схемаси(Амударё)




5-расм. №19 дамба тадқиқотлари бажарилган участкада створ ва вертикалларнинг жойланиш схемаси(Амударё)

Тадқиқотларда муааллақ оқизикларнинг муҳим тавфсифи бўлган лойқаликнинг дамба билан сиқилган оқимда чуқурлик ва планда ёйилиш қонуниятлари ўрганиб чиқилди. Лойқалик чуқурлик бўйича ошиб бориши кузатилди ва умумий ҳолда логарифмик ёйилиш қонуниятига мос келади. Бунда лойқаликнинг ўлчанган максимал қиймати юқори бўлганда P_1 вертикалнинг $0,8h$ чуқурлигида кузатилди ва $3,6 \text{ кг/м}^3$ ни ташкил қилди. P_2 ва O_2 вертикалларда чуқурлик бўйича маълум даражада текисланганлиги ва камайганлиги кузатилди, $0,2h$ да $1,84 \text{ кг/м}^3$ ва $1,15 \text{ кг/м}^3$ $0,8h$ да, $1,61 \text{ кг/м}^3$ $0,2h$ да, ва $1,34 \text{ кг/м}^3$ $0,8h$ да. Дамбанинг мавжудлиги, ўз таъсир зонасида, оқимда лойқаликни чуқурлик бўйича қайта шаклланишига олиб келади. Кам таъсирланган ўзак зонасида лойқаликни чуқурлик бўйича ёйилиши “этикча” шаклига ўхшайди $\mu_{0,8h}$ эса, $\mu_{0,2h}$ га нисбатан 2,3 марта каттадир. 19-шпора янги қурилганлиги сабабли ён томондан ва чуқурлик бўйича ювилиш жараёни кечмоқда шу сабабли максимал лойқалик $O-O$ створда $7,66 \text{ кг/м}^3$ ни ташкил қилди. Интенсив турбулент аралашув зонасида эса лойқаликни чуқурлик бўйича фарқи иккидан ошмайди. Тескари оқим зонасида лойқаликнинг B_6 , X_7 чуқурликлар бўйича эпюраси умумий шаклини сақлаб қолади, фарқ эса $1,2 \div 1,5$ дан ошмайди. Гирдоб зонасида кузатилган унча катта бўлмаган B_6 , X_7 даги чуқурликлар у ерда маълум миқдорда лойқа чўкишидан дарак беради.

Лойқаликнинг планда дарё кенлиги бўйича ёйилиши тадқиқоти ва тахлили ҳам маълум қизиқишга сабаб бўлади (6,7-расмлар).

турибдики, лойқаликни интенсив аралашув зонасида ёйилиши Шлихтинг-Абрамович томонидан бошланғич участка учун таклиф қилинган ифодага бўйсунди. Ўтказилган дала тадқиқотларда оқимни кўндаланг дамба билан сиқилиш даражаси 0,24 ва 0,174 ни ташкил қилган, бунда иккала ҳолатда ҳам ёйилиш бошланғич участкада юз берган. Тадқиқот натижаларининг назарий графикдан оғиши биринчи ҳолатда 16,6% ни иккинчи ҳолатда 15,2% ташкил қилади.



8-расм. Интенсив турбулент аралашув зонасида лойқаликни ёйилиши (Амударё)


Оқим тезликлари, лойқалик учун намуна олинган створлар ва вертикалларда ўлчанди. Янги қурилган шпора 19 таъсир зонасида тезликни чуқурлик бўйича ёйилиши тенглашиб қолиши сиқилиш створида кузатилди. Қолган вертикалларда тезлик 0,8h да 0,2h га нисбатан катта. Бу ҳолат одатда дамба билан сиқилган, шаклланиб улгурмаган оқимларда кузатилади. Яъни иншоот, ўзан ва оқимнинг ўзаро таъсирида мувозанат ҳолатга келинмаганлиги билан изоҳланади.

Сув ўтказмайдиган дамба билан сиқилган оқимни ёйилиши струялар назариясига мос келиши (1-расм) дала кузатувлар натижалари билан ҳам тасдиқланди (9-расм).


Интенсив турбулент аралашув зонасида Y_1 ва Y_2 нурлар оралиғида тезликни ёйилиши универсаллиги ҳамда Шлихтинг-Абрамович назарий ифодасига мос келиши дала тадқиқотларда биринчи марта ўз исботини топди (10-расм):

$$\frac{U_y - U}{U_y - U_n} = (1 - \eta^{1.5})^2; \quad (3)$$

бу ерда: U_y, U, U_n , - ўзақдаги, турбулент аралашув зонасидаги ва тескари оқимдаги тезликлар.



9-расм. 19-дамба билан сиқилган оқим тезликларини планда ёйилиши(Амударё)



10-расм. Интенсив турбулент аралашув зонасида тезликни ёйилиши: Δ -эксперимент, о-дала, шпора 19 Амударё.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Кўндаланг дамбалар билан сиқилган оқимда тезлик ва лойқаликни аниқлашнинг назарий асослари. Кўндаланг дамбалар орқасидаги гирдоб зонасида лойқа ўтиришни башоратлаш» деб номланиб, унда гирдоб зонаси учун тезлик ва лойқаликни аниқлаш ҳамда лойқа чўкишни башоратлашнинг назарий асослари келтирилган.

О-О ва Х-Х створлар (1-расм) учун ёзилган узлуксизлик ва қаттиқ сарфни сақланиш тенгламаларидан фойдаланган ҳолда гирдоб зонасида нисбий тескари тезликни

$$m = \frac{\bar{h}_0 - \bar{U}_y \bar{b}_y - 0,55\bar{b}}{0,45\bar{b} + \bar{b}_n} \quad (4)$$

нисбий лойқаликни аниқлаш формулалари олинган

$$n = \frac{\bar{h}_0 - \bar{U}_y \bar{b}_y + \bar{b}(0,52 - 1,02m)}{1,07\bar{b} - (0,57\bar{b} - \bar{b}_n)m} \quad (5)$$


Назарий олинган ифодаларни жараённи тўғри ёритишини тешкириб кўриш мақсадида тест масаласи бажарилди, унда (4) ва (5) формулаларда ўзакдаги тезлик ва чуқурлик ўзгармас ва сиқилиш створидаги тезлик ва чуқурликка тенг деб қабул қилинди. Тест масаласи ечими натижалари ҳамма сиқилиш даражалари учун 2-жадвалда ҳамда 11 ва 12 расмларда келтирилган.

2-жадвал


Гирдоб зонаси нисбий узунлиги бўйича нисбий тескари тезликни ҳар ҳил сиқилиш даражалари n_c учун ҳисоблаш натижалари

$n_c=0.1$		$n_c=0.2$		$n_c=0.3$		$n_c=0.4$		$n_c=0.5$	
$\zeta = x/\theta_0$	m	$\zeta = x/\theta_0$	m	$\zeta = x/\theta_0$	m	$\zeta = x/\theta_0$	m	$\zeta = x/\theta_0$	m
0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
0.139	-0.051	0.313	-0.051	1.071	-0.107	1.667	-0.107	2.0	-0.083
0.278	-0.108	0.625	-1.07	1.429	-0.147	2.5	-0.169	3.0	-0.131
0.417	-0.171	0.938	-0.169	1.786	-0.191	3.333	-0.238	4.0	-0.182
0.556	-0.241	1.250	-0.238	2.143	-0.238	3.750	-0.276	5.0	-0.238
0.694	-0.317	1.563	-0.317	2.679	-0.317	4.167	-0.317	6.25	-0.317
0.778	-0.255	1.875	-0.218	3.214	-0.218	5.208	-0.195	7.0	-0.255
1.0	-0.117	2.188	-0.132	3.571	-0.159	5.417	-0.173	8.0	-0.182

2-жадвал ва 11,12 расмдан кўриниб турибдики нисбий тескари тезликлар олдин ошиши ва гирдоб зонаси охирида кескин камайиши кузатилди. Бу ҳолат ҳамма кўриб чиқилган сиқилиш даражаларида кузатилди. Тест ечими натижаларини $n_c=0,3$ даги эксперимент қийматларини таққослаш қониқарли натижалар берди (11-расм). Нисбий лойқалик гирдоб зонаси узунлиги бўйича амалда кам ўзгаради ва бирга тенг (12-расм).



11-расм. Гирдоб зонаси нисбий узунлиги бўйича нисбий тескари тезликни ҳар ҳил сиқилиш даражалари учун график ифодалар



12-расм. Нисбий лойқаликни гирдоб зонаси нисбий узунлиги бўйича ҳар ҳил сиқилиш даражалари учун график ифодалар

Кўндаланг дамбалар ортидаги гирдоб зонасида оқизиклар чўкишини башоратлаш учун қуйидаги тушунчалар киритилган:

- кенглик бўйича лойқа чўкиш коэффиценти у лойқа чўкиш кенлигини дамба билан беркитиладиган кенликка нисбатини билдиради;

$$K_z = \frac{l}{l_D \sin \alpha_D}; \quad (6)$$

- юза бўйича лойқа чўкиш коэффиценти у лойқа чўкиш юзасини дамба билан беркитиладиган юзага нисбатини билдиради;

$$K_{3II} = \frac{F_n}{F_0}; \quad (7)$$

- ҳажм бўйича лойқа чўкиш коэффиценти у лойқа чўкиш ҳажмини дамба билан беркитиладиган ҳажмга нисбатини билдиради;

$$K_{30} = \frac{W_{30}}{W_{неp}}; \quad (8)$$

бу ерда: $W_{30} = l \cdot l_{нс} \cdot h_i$; $W_{неp} = l_D \cdot \sin \alpha_D \cdot l_{нс} \cdot h_i$

Фойдаланиш даври бошида дамба ортидаги чуқурлик $h_i = h_0$.

Маълум вақт ўтгач:

$$h_i < h_0, \text{ бу ерда: } h_i = h_0 - h_{0C}; \quad (9)$$

бу ерда: h_{0C} - вақт бирлигида чўкма қалинлиги

$$h_{0C} = \frac{\mu_n}{\gamma_n} \cdot \bar{W}; \quad (10)$$

бу ерда: γ_n - чўккан оқизиклар ҳажмий оғирлиги

\bar{W} - чўкадиган оқизиклар фракцияси гидравлик йириклиги А.Н. Гостунский тавсияларига асосан:

$$\bar{W} = \frac{3W_{\min} + W_{\max}}{4}; \quad (11)$$

Минимал гидравлик йириклигни гирдоб зонаси учун қуйидагича ҳисоблаш мумкин.

$$W_{\min} = \frac{U_n \cdot h_i}{l_{нг}}; \quad (12)$$

бу ерда: U_n - гирдоб зонасидаги тескари тезлик; $l_{нг}$ - гирдоб зонаси узунлиги. Оқизиклар чўкиши бир текис юз беради деб қарасак, T вақт оралиғида чўккан оқизиклар ҳажмини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$W_{oc} = h_{oc} \cdot F_n \cdot T. \quad (13)$$

Дала кузатувлар натижалари бўйича лойқа чўкиш зонаси дамба беркитаётган умумий майдоннинг ярмидан ошмаслиги лозим:

$$F_n = 0,5 \cdot l_{нг} \cdot l_D \sin \alpha_D; \quad (14)$$

унда

$$W_{oc} = 0,5 \cdot \frac{\mu_n}{\gamma_n} \cdot W_0 \cdot l_{нг} \cdot l_D \cdot \sin \alpha_D \cdot T; \quad (15)$$

T вақт ичида сиқилган створдан қуйидаги миқдорда муллақ оқизиклар ўтади

$$W_0 = \frac{Q \cdot \mu_0}{\gamma_n} \cdot T; \quad (16)$$

W_{oc} ни W_0 га нисбатини олсак:

$$\frac{W_{oc}}{W_0} = 0,5n \cdot \frac{n_c}{(1-n_c)} \cdot \frac{l_{нг}}{h_0} \cdot \frac{W_0}{U_0}; \quad (17)$$

(17) ёрдамида сиқилган створдан ўтаётган муллақ оқизикларнинг қанча қисми гирдоб зонасида чўкишини аниқлаш мумкин. Амударёдаги №30 дамба орқасига оқизиклар чўкиши башоратлаш ҳисоб китоблари бажарилган ва тошқин даври июль ойида сиқилган створдан транзит ўтаётган оқизикларнинг 1,94% гирдоб зонасида чўкиши аниқланган. Шу вақт давомида чўкма қалинлиги 0,44 м ни ташкил қилган.

ХУЛОСАЛАР

“Кўндаланг дамбалар орқасидаги гирдоб зонасида оқизиклар чўкишини башорат қилиш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Кўндаланг дамба билан сиқилган оқим тезлиги ва лойқалигини дала шароитда тадқиқот қилиш услуби, створлар ва вертикаллар сонини белгилашда юқори ва пастки гирдоб зоналар, сиқилиш зонаси, интенсив турбулент аралашув зоналари ҳамда улар чегаралари ўлчамларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган. Натижада кўндаланг дамба билан деформацияланган оқимларни дала шароитда тадқиқот қилиш вақти ва харажатлар камайган ҳамда аниқлиги ошган.

2. Дала шароитдаги тадқиқотларда оқимни турбулент струялар назариясида қабул қилингандай, айрим, бир жинсли зоналарга бўлиш схемаси ўринли эканлиги тасдиқланди. Айрим зоналар чегараларини ва тезлик ёйилишини билиш натижасида ўзанда ювилиш зоналарини башорат

килиш ва дамбалар оралиғидаги масофани тўғри белгилаш имконияти яратилди.

3. Дала шароитда ўтказилган таққослаш тадқиқотларида кўндаланг дамба билан сиқилган оқимнинг пландаги ўлчамларини аниқлаш учун Бакиев М.Р. таклиф қилган экспериментал, назарий, график шаклидаги ва аналитик ифодалардан фойдаланиш мумкинлиги асосланди. Натижада ёйилиш коэффициентлари турбулент оқимлар назариясида $C_1 = 0,85$; $C_2 = 0,11$; $C_3 = 0,16$ бўлса дала шароитда $C_1=0,1$, $C_2=0,186$, $C_3=0,545$ эканлиги аниқланиб тузатишлар киритилди.

4. Тадқиқотларда юқори гирдоб зонаси ўлчамлари экспериментлардагига нисбатан 11,9% га, сиқилиш зонаси узунлиги 14,2% га, пастки гирдоб зонаси узунлиги 26,8% га ва умумий фарқ 15,2% ни ташкил қилди. Натижада дамбалар орасидаги масофани оптимал ўлчамларини белгилаш имкони яратилди.

5. Дала шароитда ўтказилган экспериментлар натижалари асосида турбулент аралашув зонасида тезлик ва лойқаликни таралиши универсал эканлиги ҳамда Шлихтинг-Абрамович назарий ифодаларига мос келиши дала шароитда биринчи марта исботланган. Натижада турбулент оқимлар назарияси ривожланишига маълум ҳисса қўшилган.

6. Турбулент оқимлар назариясининг асосий тамойилларидан фойдаланиб ҳамда суяқ ва қаттиқ оқимлар сарфини сақланиш тенгламаларини қўллаган ҳолда кўндаланг дамба ортидаги тескари оқим тезлигини ва лойқалигини ҳисоблаш назарий усули ишлаб чиқилган. Тест масаласини ечиш натижасида ҳамда уни эксперимент билан солиштириш, тескари оқим максимал тезликлари, турбулент аралашув зонасининг ташқи чегара чизиғини ҳимояланаётган қирғоқ билан кесишган жойида шаклланишини ва унинг қиймати 0,317 га тенглиги, тескари оқимдаги нисбий лойқалик узунлик бўйича ўзгаришсиз қолиши ва бирга яқинлиги аниқланди.

7. Дамбалар ортидаги чўкиндилар қалинлиги h_{oc} , пастки гирдоб зонаси узунлиги бўйича минимал гидравлик йирикликни W_{min} , маълум вақт T оралиғида лойқа чўкиш ҳажмини W_{oc} , сиқилиш створидан ўтаётган муаллақ оқизиклар ҳажмини W_0 ва гирдоб зонасида чўккан муаллақ оқизиклар қисми ҳажмини ҳисоблаш ифодалари таклиф қилинган. Ишлаб чиқилган башорат қилиш усули эксплуатация даврида лойқа ўтириш жараёнини кузатиш учун хизмат қилади.

8. Таклиф қилинган усул бўйича Амударёнинг ўнг қирғоқини ҳимояловчи 30 дамба учун ҳисоблаш ишлари бажарилган. Натижада тошқин даврида чўккан оқизиклар қатлами қалинлиги 0,44 м ни бу транзит оқимдаги оқизикларнинг 1,94% ни ташкил қилади.

9. Дала тадқиқотлари натижалари ўнг қирғоқ Тўрткўл участкасида «Қирғоқларни ҳимоялаш дамбалари ва ўзанларни тартибга солиш иншоотлари бошқармаси», чап қирғоқ Хозарасп участкасида «Қарамази-Қиличбай» ирригация тизимлари бошқармаларида ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Йиллик иқтисодий самарадорлик 70 млн. сўмни ташкил қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

ЯКУБОВ КУВОНЧБЕК ТАЖИБАЕВИЧ

**ПРОГНОЗ ЗАИЛЕНИЯ ВОДОВОРОТНЫХ ЗОН ЗА ПОПЕРЕЧНЫМИ
ДАМБАМИ**

05.09.06 – Гидротехническое и мелиоративное строительство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.2.PhD/Т2335

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tiame.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Бакиев Машариф Рузметович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Бозоров Дилшод Раимович
доктор технических наук, профессор

Мурадов Рустам Анварович
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский архитектурно-строительный институт (ТАСИ)

Защита диссертации состоится « 27 » август 2021 года в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по адресу: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязий 39, тел. (+99871)-237-09-71, 237-22-09, факс (+99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. (регистрационный номер 188). Адрес 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязий 39, тел. (+99871)-237-19-45.

Автореферат диссертации разослан « 14 » август 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 188 от « 14 » август 2021 года.)



Т.З.Султанов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.т.н., профессор

Ф.А.Гаппаров
Ученый секретарь научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.т.н., доцент

О.Я.Гловацкий
Председатель научного
семинара при научном совете
по присуждению ученых
степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одним из важнейших вопросов в мире является формирование, транспортирование и осаждение наносов. «Во второй половине XX столетия преобладала восходящая тенденция изменения интенсивности эрозии, её усиление особенно в южном полушарии планеты»¹. Это привело к интенсивному заилению полезных емкостей водохранилищ, интенсификации русловых процессов на реках. В этой связи совершенствование регулирования жидкого и твердого стока с помощью регуляционных сооружений имеет особое значение. В этом направлении, особое внимание в практике многих стран, в том числе США, Канада, Германия, Россия и др. уделено вопросам совершенствования конструкций, методов расчетного обоснования регуляционных сооружений.

В мире проведение целенаправленных исследовательских работ, посвященных разработке научно-обоснованных методов прогноза заиления полезной емкости водохранилищ, русел рек и каналов а также водоворотных зон за поперечными дамбами, с учётом взаимодействия транзитного и обратного потоков приобрело особое значение. В этой связи, одной из важнейших задач на основе натурных исследований является разработка технологий по установлению закономерностей потока насыщенных взвешенными наносами и односторонне стеснённого поперечными глухими дамбами, методов расчета поля скоростей и распределения мутности по глубине и в плане, метода прогноза заиления водоворотной зоны взвешенными наносами.

На сегодняшний день в нашей Республике, широко внедряются широкомасштабные мероприятия по совершенствованию технологий и методов расчета поперечных дамб для защиты берегов рек, предохранению от затопления прибрежных земель, имеющихся земельных ресурсов, в том числе по реформированию пойменных земель. В этом направлении, в том числе, требуется усовершенствование методов проведения натурных исследований на зарегулированных равнинных реках, провести сравнительные исследования экспериментальных и натурных результатов, установить характер распределения скорости и мутности потока стесненного поперечной дамбой при защите берегов рек. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. указаны предстоящие задачи, в том числе «дальнейшее развитие мелиоративных и ирригационных объектов для увеличения конкурентоспособности национальной экономики»². Важное значение приобретает совершенствование методов проведения натурных научно-исследовательских работ, проектирование и расчёт параметров потока насыщенных

¹ Гусаров А.В. Тенденции изменения эрозии и стока взвешенных наносов на Земле во второй половине XX столетия. disserCat.

² Постановление Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан»

взвешенными наносами при регулировании русел рек, защита берегов рек от размыва и прогноз формирования пойменных земель. Данное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Законе Республики Узбекистан «О безопасности гидротехнических сооружений» (1999), Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года, «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2021 годах», УП-4947, Указа УП-6200 от 6.04.2021 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственного управления и контроля в сфере использования водных ресурсов, а также обеспечению безопасности объектов водного хозяйства», Протокол Правительственной Комиссии № 0125/14-15 от 22 декабря 2020 года» Об обеспечении безопасного пропуска паводковых вод и селевых потоков, уменьшения опасности от снеговых лавин и оползневых явлений» а также в других норматив но правовых документах принятых в этом направлении.

Связь диссертации с ведущими направлениями развития науки и технологий. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII «Рациональное природопользование и экология».

